

“YO”LQURILISH” АЖ
ягона акциядорининг
2021 йил «3» май даги
5 – сонли Қарорига 4-илова бўлиб
“ТАСДИҚЛАНГАН”

“YO’LQURILISH”
АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИНИНГ ЯГОНА АКЦИЯДОРИ
ТЎҒРИСИДАГИ НИЗОМИ

1. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1. Ушбу Низом “Yo’lqurilish” акциядорлик жамиятининг (кейинги ўринларда - Жамият) ягона акциядори регламенти, мақомини, унинг иши, ўтказилиши тартиби ва у томонидан қарорлар қабул қилинишини белгилаб беради.

2. Ушбу Низом Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонуни (бундан кейин матнда - Қонун)га, Корпоратив бошқарув кодекси (31.12.2015й. 9-сон) талабларига, Жамият уставига ва бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларга мувофиқ ишлаб чиқилган.

3. Жамият ягона акциядори умумий йиғилишининг ваколатига кирадиган масалалар бўйича қарорларни Жамиятнинг ягона акциядори ёзма равишда расмийлаштирилади.

4. Жамиятнинг ягона акциядори ўз ваколатларини ҳуқуқий ҳужжат ва шахсни тасдиқловчи ҳужжат асосида амалга оширади.

5. Жамият ягона акциядори ҳар йили йиғилиш ўтказишга мажбурдир, аммо молия йили тугаганидан кейин олти ойдан кечиктирмай ўтказилади.

6. Жамият ягона акциядорининг йиллик умумий йиғилишидан ташқари ўтказиладиган умумий йиғилишлари навбатдан ташқари йиғилишлардир.

2. ЖАМИЯТ ЯГОНА АКЦИЯДОРНИНГ ВАКОЛАТЛАРИ

7. Жамиятнинг ягона акциядори ваколатларига қуйидагилар киради:

- Жамият уставига ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш, шу жумладан Жамиятнинг устав капиталини кўпайтириш ва жамиятнинг устав капиталини камайтириш ҳамда жамиятнинг эълон қилинган акциялари сонини камайтириш;

- Жамиятни қайта ташкил этиш;

- Жамиятни тугатиш, тугатувчини (тугатиш комиссиясини) тайинлаш ҳамда оралик ва якуний тугатиш балансларини тасдиқлаш;

- Жамиятнинг ташкилий тузилмасини тасдиқлаш,

- Жамият ижроия органини тузиш, Жамият бошқарув раисини сайлаш (тайинлаш) ва унинг ваколатини муддатидан илгари тугатиш. Шунингдек, Жамият бошқарув раисининг тақдимномасига асосан бошқарув аъзоларинини сайлаш (тайинлаш) ва уларнинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш;

- Жамиятнинг Устав капитали миқдорини қўшимча акциялар жойлаштириш йўли билан кўпайтириш ва Жамият Уставига устав капиталини кўпайтириш ҳамда жамиятнинг эълон қилинган акциялари сонини камайтириш билан боғлиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида қарорларни қабул қилиш;

- акциялар чиқариш тўғрисидаги қарор ва эмиссия рисоласини тасдиқлаш, шунингдек аввал рўйхатдан ўтказилган қимматли қоғозлар чиқарилишларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида қарор қабул қилиш;

- акцияларни жойлаштириш (қимматли қоғозларнинг биржа бозорига ва уюшган биржадан ташқари бозорига чиқариш) нархини белгилаш;

- қимматли қоғозлар (акциялар, облигациялар) ва эмиссия рисоласини чиқариш тўғрисидаги қарорни тасдиқлаш;

- қимматли қоғозлар (акциялар, облигациялар)ни чиқариш тўғрисидаги қарорга ва эмиссия рисоласига ўзгартиришлар ва (ёки) қўшимчалар киритиш ва уларнинг матнини тасдиқлаш;

- Жамият томонидан корпоратив облигациялар, шу жумладан акцияларга айирбошланадиган облигациялар чиқариш шунингдек, жамиятнинг корпоратив облигацияларини қайтариб сотиб олиш тўғрисида қарор қабул қилиш;

- қимматли қоғозларнинг ҳосилаларини чиқариш тўғрисида қарор қабул қилиш;

- эълон қилинган акцияларнинг энг кўп миқдорини белгилаш;

- Жамият ўз акцияларини олиши;

- Жамият акцияларни майдалаш ва йириклаштириш бўйича қарор қилиш;

- имтиёзли ҳуқуқни қўлламаслик тўғрисида ушбу Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунида назарда тутилган қарорни қабул қилиш;

- Жамиятнинг фойдаси ва зарарларини тақсимлаш;

- Жамият тафтиш комиссиясининг аъзоларини (тафтишчисини) сайлаш ва уларнинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш,

- Жамиятнинг “Ягона акциядор”, “Кузатув кенгаши”, “Тафтиш комиссияси”, “Ижроия органи” ва “Ахборот сиёсати” тўғрисидаги ва бошқа Низомларни тасдиқлаш;

- Жамият тафтиш комиссиясининг ўз ваколат доирасига кирадиган масалалар юзасидан, жамиятни бошқаришга доир қонун ҳужжатларида белгиланган талабларга риоя этилиши юзасидан жамият тафтиш комиссиясининг хулосаларини эшитиш;

- Жамиятнинг ижроия ва назорат органларининг маъруза (ҳисобот) шакли ва мазмунига талабларни белгилаш;

- Жамиятнинг йиллик ҳисоботини ва йиллик бизнес-режасини, шунингдек жамият фаолиятининг асосий йўналишлари ва мақсадидан келиб

чиққан ҳолда жамиятни ўрта ва узоқ муддат (беш йилдан ортиқ)га ривожлантиришнинг аниқ муддатлари белгиланган стратегиясини тасдиқлаш;

- бизнес-режа ва лойиҳаларнинг жамиятни ривожлантириш мақсадларига мослиги ҳақида мустақил профессионал ташкилотлар – маслаҳатчиларни жалб этган ҳолда ҳар йиллик таҳлилларни ўтказиш ҳақида қарор қабул қилиш ва таҳлил натижаларини эшитиш;

- мажбурий аудиторлик текширувини ўтказиш учун аудиторлик ташкилотини белгилаш, ушбу ташкилотнинг хизматларига тўланадиган энг кўп ҳақ миқдори ва у билан шартнома тузиш (шартномани бекор қилиш) тўғрисида қарор қабул қилиш;

- Қонуннинг 84-моддаси иккинчи ва учинчи қисмларида ҳамда 88-моддаси бешинчи қисмида кўрсатилган масалалар юзасидан қарорлар қабул қилиш;

- дивидендлар миқдори, шакли ва тўлаш тартиби тўғрисида қарорлар қабул қилиш;

- Жамият ижроия органи аъзоларига тўланадиган ҳақ ва (ёки) компенсацияни, шунингдек уларнинг максимал миқдорини белгилаш;

- Жамиятнинг Корпоратив бошқарув кодексининг тавсияларига амал қилиш мажбурияти ва хабар шаклини тасдиқлаш тўғрисидаги қарор қабул қилиш;

- Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига ва жамият Уставига мувофиқ бошқа масалаларни ҳал қилиш.

8. Жамиятнинг ягона акциядори ваколат доирасига киритилган масалалар жамиятнинг ижроия органи ва/ёки жамият Кенгаши ҳал қилиши учун берилиши мумкин эмас.

9. Жамиятнинг ягона акциядорининг йиғилишида аудитни ўтказган аудиторлик ташкилотининг вакили, ички аудит хизмати ходимлари, Кенгаш аъзолари, тафтиш комиссияси ва Жамиятнинг ижроия органи иштирок этишга ҳақлидир. Жамиятнинг Кенгаш ва Тафтиш комиссиясининг вакиллари, шунингдек аудиторлик ташкилоти вакиллари, жамиятнинг ягона акциядорининг йиллик йиғилишида ўз органларининг ҳисоботлари билан шахсан иштирок этишлари шарт.

3. ЖАМИЯТ ЯГОНА АКЦИЯДОРИНING УМУМИЙ ЙИҒИЛИШИ

10. Жамиятнинг ягона акциядорини йиғилишни сифатли ўтказиш ва ушбу Низомнинг 5-бандида кўрсатилган муддатда ўтказиш учун ижроия органи қўйидагиларни амалга оширади:

- аудиторлик ташкилотлари билан шартномани тузади, Жамиятнинг ягона акциядорининг қарори билан аудиторлик текширувини ўтказиш, шу

жумладан молиявий ҳисоботни Халқаро молиявий ҳисобот стандартларига мувофиқ тайёрлаш, шартномада аудиторлик текширувини ўтказишнинг аниқ муддатлари кўрсатилади.

- Халқаро аудит стандартларига мувофиқ ташқи аудитдан сўнг Халқаро молиявий ҳисобот стандартларига мувофиқ тайёрланган йиллик молиявий ҳисоботларнинг нашр этилишини таъминлайди.

Қуйидагилар Жамиятнинг ижроия органи томонидан ишлаб чиқилади (тайёрланади):

- соф фойдани тақсимлаш (зарарни қоплаш) бўйича лойиҳалар, ҳар бир соҳа учун асослаш ва ягона акциядор йиғилишида кўриб чиқиладиган бошқа ҳужжатлар;

- Жамиятнинг Тафтиш комиссиясига кўрсатилган номзодлар тўғрисидаги маълумотлар ва ҳ.к.;

- Жамиятнинг йиллик ҳисоботи ва йиллик бизнес-режаси, шунингдек Жамиятнинг асосий йўналишлари ва мақсадларидан келиб чиққан ҳолда унинг аниқ шартларини белгилаш билан ўрта ва узок муддатли истикболда жамият ривожлантириш стратегияси лойиҳаси;

- ижроия органи бизнес-режа параметрларининг бажарилиши ва жамиятнинг ривожланиш стратегиясига эришиш бўйича кўрилган чоралар тўғрисидаги ҳисоботи;

- аудит ўтказиш учун аудиторлик ташкилотини танлаш учун танлов ўтказиши.

11. Ягона акциядорнинг йиғилишини ўтказишга тайёргарлик кўрилаётганда тақдим этилиши лозим бўлган ахборотга (материалларга) жамиятнинг йиллик ҳисоботи, жамиятнинг йиллик молиявий-ҳўжалик фаолиятини текшириш натижалари юзасидан жамият тафтиш комиссиясининг (тафтишчисининг) ва аудиторлик ташкилотининг хулосаси, жамиятнинг Уставига киритиладиган ўзгартиш ва қўшимчалар лойиҳаси ёки жамиятнинг янги таҳрирдаги Устави лойиҳаси шунингдек, жамият ўрта ва узок муддатли стратегиялари, бундан ташқари Кенгашни кун тартиби бўйича йиғилиши позициялари киради.

12. Жамиятнинг ягона акциядорининг йиғилишини ўтказишга тайёргарлик кўрилаётганда тақдим этилиши мажбурий бўлган қўшимча ахборотнинг (материалларнинг) рўйхати қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органи томонидан белгиланиши мумкин.

13. Жамиятнинг ягона акциядори йиғилишининг кун тартибидаги масала ёзма равишда асосланган тартибда киритилади.

14. Жамиятнинг ягона акциядорининг ҳар йилги кун тартибидаги қуйидаги масала кўриб чиқиши ва улар юзасидан қарорлар қабул қилишлари учун Жамиятнинг ижроия органи ва тафтиш комиссияси қарор қабул

қилинган кундан камида етти календар кун олдин Жамиятнинг ягона акциядори томонидан унга қуйидаги ҳужжатлар ва маълумотларни тақдим этади:

- Жамият ижроия органи ҳисоботи жамият фаолиятининг йил якунлари ва жамиятнинг йиллик бизнес-режасини бажариш натижалари тўғрисидаги ҳисоботи;

- Жамият Тафтиш комиссиясининг ўз ваколатига кирадиган масалалар бўйича ҳисоботи ва Тафтиш комиссиясининг ҳисобот йилидаги молиявий-хўжалик фаолиятини текшириш тўғрисидаги хулосаси;

- Жамиятнинг молиявий-хўжалик фаолиятини текшириш бўйича аудиторлик ташкилотининг хулосаси;

- Жамиятнинг йиллик ҳисоботи, шу билан бирга Жамиятнинг ягона акциядорига тасдиқлаш учун тақдим этилган жамиятнинг молиявий ҳисоботидаги маълумотларнинг ишончлилиги жамиятга ёки жамиятнинг ягона акциядорига мулкӣ манфаатлар билан боғлиқ бўлмаган аудиторлик ташкилоти томонидан тасдиқланиши керак;

- фойдани тақсимлаш бўйича таклифлар;

- Жамиятнинг тафтиш комиссияси аъзоларига номзодлар тўғрисидаги маълумотлар;

- Жамиятнинг тафтиш комиссияси аъзоларига тўланадиган ҳақ ва компенсация миқдори бўйича Кенгаш тавсиялари;

- Жамият уставига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ёки жамият уставининг янги таҳририни лойиҳасини қиритилади.

4. ЖАМИЯТ ЯГОНА АКЦИЯДОРНИНГ НАВБАТДАН ТАШҚАРИ ЙИҒИЛИШИ

15. Жамият ягона акциядорининг навбатдан ташқари йиғилиши қуйидаги сабабларга асосан ўтказилади:

- шахсий ташаббусига асосан;
- Жамият кенгашининг қарорига асосан
- тафтиш комиссияси ёзма талабига биноан;
- Жамият ижроия органи раҳбарини ёзма талабига асосан.

16. Жамият ягона акциядорининг навбатдан ташқари йиғилишини ўтказиш тўғрисидаги талабномада йиғилиш кун тартибига киритилиши керак бўлган масалалар сабаби кўрсатилган ҳолда киритилиши лозим.

17. Жамият ягона акциядорининг навбатдан ташқари йиғилишини чақириш тўғрисидаги аризага Жамият ягона акциядорининг навбатдан ташқари йиғилишини чақиришни талаб қиладиган шахс томонидан имзоланади.

18. Жамиятнинг Кенгаши, тафтиш комиссияси ва Ижроия органи раҳбари навбатдан ташқари умумий йиғилишни чақириш ҳақидаги талабини тақдим этишидан бошлаб 10 кун ичида жамиятнинг ягона акциядори томонидан навбатдан ташқари умумий йиғилиш чақирилиши ёки уни чақирилишини рад этиш ҳақида қарор қабул қилиниши керак.

19. Жамият ягона акциядорининг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақириш ёки уни чақирилишини асосли равишда рад этиш борасидаги қарори қабул қилинганидан сўнг уч иш кунидан кечиктирмасдан ягона акциядорининг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақирилишини талаб қилган шахсларга юборилади.

20. Агар Жамиятнинг ягона акциядори ўз ваколати билан боғлиқ масалаларни фавқулодда кўриб чиқиш ўз ташаббуси билан амалга оширилса, Жамият ягона акциядори кўриб чиқиш учун тақдим этилган масалалар рўйхатини тузади, Жамият Кенгаш ва ижроия органи кун, вақт, кўриб чиқиш жойи ва қарор қабул қилиш тўғрисида хабар беради. Ушбу масалалар, шунингдек тегишли маълумотлар (материаллар) ва ҳужжатларни жамият Кенгаши тайёрлайди.

21. Кенгаш, Тафтиш комиссияси, Жамиятнинг ижроия органи Жамиятнинг ягона акциядори томонидан қарор қабул қилинган кундан камида етти календарь кун олдин унга кўриб чиқиладиган масалалар бўйича барча зарур маълумотларни (материалларни) ва ҳужжатларни тақдим этади.

22. Жамият тафтиш комиссиясининг талабига биноан чақириладиган ягона акциядори йиғилишининг жамият Кенгаши томонидан кун тартибидаги масалалар таркибига ўзгартириш киритиш ҳуқуқига эга эмас.

5. ЖАМИЯТ ЯГОНА АКЦИЯДОРИНИНГ ҚАРОРИ

23. Қуйидаги масалалар бўйича қарорлар Жамиятнинг ягона акциядори томонидан Жамиятнинг Кенгаши тавсиясига биноан қабул қилинади:

- Жамиятнинг фойда ва зарарини тақсимлаш, шу жумладан дивидендларни тўлаш ҳажми, шакли ва тартиби тўғрисида қарор қабул қилиш;

- Жамият Тафтиш комиссияси аъзоларига тўланадиган ҳақ ва компенсация миқдорини белгилаш.

24. Дивидендларни тўлаш, миқдори, шакли ва тўлаш тўғрисидаги қарор Жамиятнинг ягона акциядори молиявий ҳисобот асосида, агар унинг ишончлилиги тўғрисида ташқи аудиторлик хулосаси бўлса, қабул қилинади.

Дивидендларни тўлаш миқдори, шакли ва тартиби тўғрисидаги қарор жамиятнинг ягона акциядори томонидан молиявий ҳисобот маълумотлари асосида, агар унинг ишончлилиги тўғрисида ташқи аудит хулосаси бўлса.

25. Жамиятнинг ягона акциядори оддий акциялар бўйича дивидендларни тўламаслик тўғрисида қарор қабул қилишга ҳақли.

26. Дивидендларни тўлаш тўғрисидаги қарорда дивидендларни тўлаш бошланиши ва тугаши санаси кўрсатилади.

27. Жамиятнинг ягона акциядори томонидан қабул қилинган қарорлар ёзма шаклда расмийлаштирилади.

28. Жамият ягона акциядорининг қарорида қуйидагилар кўрсатилиши керак:

- қарор қабул қилинган сана, вақт ва жой;
- таклиф этилган шахслар;
- Жамиятнинг ягона акциядорига кўриб чиқиш учун такдим этилган масалалар рўйхати;
- қабул қилинган қарорлар.

29. Жамият ягона акциядорининг қарори икки нусхада, қабул қилинганидан кейин ўн кундан кечиктирмай расмийлаштирилади. Қарор Жамиятнинг ягона акциядори ёки унинг ваколатли шахси томонидан имзоланади.

30. Жамиятнинг ягона акциядори томонидан қабул қилинган қарорлар ижро этилиши учун имзоланган куни жамиятнинг ижроия органига юборилади.

31. Жамиятнинг ягона акциядори томонидан қабул қилинган қарорлар ижро этилгандан сўнг, сақлаш учун Жамиятнинг архивига топширилади.

32. Жамиятнинг ягона акциядори қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жамият фаолияти тўғрисидаги ҳужжатлар билан танишиш ҳуқуқига эга.

33. Жамиятнинг ягона акциядори йиғилишининг котиби Жамият корпоратив муносабатлар бошқармаси ходимларидан бири бўлиши мумкин.

34. Жамиятнинг ягона акциядори йиғилишининг котиби:

- йиғилишнинг баённомасини юритади;
- ёзма аризалар бўйича йиғилиш кун тартибидаги масалаларни муҳокамасини ҳисобини юритади;

Жамиятнинг ягона акциядори йиғилишининг баённомаси ушбу йиғилиш тамом бўлганида кейин ўн кундан кечиктирмай икки нусхада расмийлаштирилади.

35. Жамиятнинг ягона акциядори йиғилишининг баённомасида қуйидагилар кўрсатилиши керак:

- ягона акциядорнинг йиғилиши ўтказиладиган сана, жой ва вақт;
- нутқларнинг асосий қоидалари, ягона акциядор томонидан кўтарилган масалалар;

- аудио ва видео ёзувлар ва йиғилиш Интернетда трансляция қилинган тақдирда, бу маълумотлар ҳам кўрсатилади.

36. Жамиятнинг ягона акциядори йиғилиши баённомасининг иккала нусхаси ҳам Жамиятнинг ягона акциядори ва йиғилиш котиби томонидан имзоланади.

6. ЯГОНА АКЦИЯДОРНИНГ ҚАРОРИНИ БАЖАРИЛИШИ

37. Жамиятнинг ягона акциядори томонидан қарор қабул қилинган кундан бошлаб икки иш куни ичида у тўғрисидаги маълумотлар эълон қилинади ва баённомаси, муҳим факт ошкор қилиниши керак.

38. Жамиятнинг тегишли маълумотлари фонд биржасининг расмий веб-сайтида эълон қилиниши мумкин.

39. Жамиятнинг ягона акциядори томонидан қабул қилинган қарорларнинг бажарилишини назорат қилиш Кенгаш ва Жамиятнинг ижроия органи томонидан амалга оширилади.

7. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР

40. Ушбу Низом амалдаги қонун ҳужжатларига киритилган ўзгартиришлар ёки жамиятнинг уставига киритилган ўзгартишлар ва/ёки қўшимчалар асосида ўзгартирилиши ва/ёки тўлдирилиши мумкин.

41. Ўзгартиришлар ва/ёки қўшимчалар, агар ушбу қарорда аниқ сана кўрсатилмаган бўлса, Жамият ягона акциядорининг қарори билан тасдиқланганидан кейин кучга киради.